



## ПОРТФЕЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Восиқов Абдуваҳоб Равшан ўғли

Тошкент Кимё халқаро университети таянч докторанти  
email: vosikov.ar@gmail.com

| ARTICLE INFORMATION                                                                                                                               | ABSTRACT                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>Volume: 1<br/>Issue: 10<br/>DOI: <a href="https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a8">https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a8</a></p> | <p>Мазкур мақолада инвестицияларни жалб этиш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг амалий аҳамияти баён этилган. Портфель инвестицияларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва заруратига доир иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган илмий ёндашувлар келтирилган. Миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестицияларнинг динамикаси ва йиллар бўйича ўзгариш тенденциялари таҳлил қилинган. Жалб қилинган инвестициялар таркибида портфель инвестицияларнинг улуши ўрганилган. Миллий иқтисодиётга портфель инвестициялар жалб қилишнинг рағбатлантиришга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.</p> <p><i>инвестиция, портфель, миллий иқтисодиёт, акция, облигация, капитал бозори, молиявий инструментлар, корпоратив бошқарув, тижорат банклари, валюта курслари.</i></p> |
| <p><b>KEYWORDS</b></p>                                                                                                                            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |

### Кириш (Введение/Introduction)

Ўзбекистонда бизнес муҳитини ривожланишининг жорий босқичида корпоратив тузилмалар томонидан фаолият турини диверсификация қилиш, қўшимча инвестицион имкониятларни излаш, халқаро капитал бозорининг иштирокчисига айланиш борасида қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда. Кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бизнесни юритишнинг янги шакллари ва ёндашувлари ривожланиб бормоқда. Корпоратив тузилмалар томонидан инвестицион фаолиятни такомиллаштиришда портфель инвестицияларни жалб этишнинг фундаментал ва илмий асослари ривожланаётган бўлсада, бироқ мамлакатимиз молия бозорида ушбу сегментни етарлича ривожланмаётганлигини қайд этишимиз мумкин. Албатта мазкур ҳолатда давлат томонидан портфель инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, соҳани ривожлантиришга доир илмий таҳмиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш» [1] асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Албатта бундай катта марраларга эришишда мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик акциядорлик жамиятларининг ўрни ва уларнинг инвестицион фаолияти муҳим ўрин тутди. Инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишда портфель инвестициялар улушини ошириш, портфель инвестицияларни жалб қилиш механизмини рағбатлантиришга доир хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

### Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва унинг аҳамияти, капитал бозорини трансформация қилиш ва замонавий ёндашувларни тадбиқ этишга

доир мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан қатор тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.

Бир қарашда, халқаро миқёсда инвестиция қилиш ғояси ҳаяжонли ва ваъдага тўла кўринади, чунки халқаро портфель инвестицияларининг кўплаб афзалликлари мавжуд. Хорижий кимматли қозғаларга сармоя киритиш орқали инвесторлар бошқа мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида иштирок этишлари, истеъмол саватини валюта курси хавфидан ҳимоя қилишлари, диверсификация эффектларини амалга оширишлари ва глобал миқёсда бозор сегментациясидан фойдаланишлари мумкин. Гарчи бу афзалликлар жозибador кўриниши мумкин бўлса ҳам, халқаро портфель инвестициялари учун риск ва чекловларни эътибордан четда қолдирмаслик керак [2]. Портфельни бошқариш - бу рискни камайтириш ва даромадни максимал даражада ошириш учун инвесторнинг молиявий активларини ташкил этиш жараёни. Мазкур жараён инвесторга инвестицион қарорлар қабул қилиш ва савдо стратегияларидан фойдаланиш имконини беради [3]. М.Геофрэннинг фикрича, жаҳон иқтисодиётининг муҳим таркибий бўгинлари саналган миллий иқтисодиётлар, интеграция бирлашмалари, халқаро ташкилотлар ва улар ўртасидаги турли хил муносабатларнинг комбинацияси бўлган инвестициялар муҳим ўрин эгаллайди. Кейинги йилларда мазкур тармоқлар ўртасидаги инвестицион муносабатларни ривожланиб бориши давлатларнинг интеграциялашувини ошириш билан бир қаторда иқтисодий ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда [4]. П.Панаготиотиснинг фикрича эса, хорижий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, тўғридан-тўғри инвестициялар саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатадиган механизмдир. Хорижий инвестициялар хусусан тўғридан-тўғри инвестициялар ишлаб чиқаришда ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам капитал даромад манбаи бўлиб хизмат қилади [5].

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларда қуйидаги фикрлар баён этилган: «Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга

боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фаркланган ҳолда, ҳукукий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради” [6]. Н.Хайдаровнинг фикрига кўра, “ҳар бир алоҳида мамлакатда амалга оширилаётган инвестицион сиёсат ижобий кўрсаткич ила қарор топса демак, у давлатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари юксалиш тенденциясига эга бўлади. Мабоодо, инвестицион сиёсатда депсиниш намоён бўладиган бўлса, юқорида зикр этилган ҳолат билан намоён бўлиб, ялпи ички маҳсулот ўтган йилдаги кўрсаткичига қараганда пасайиш динамикасига эга бўлади” [7].

Ш.Мустафакуловнинг фикрига кўра “минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинг хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашуви таъсир кўрсатади” [8]. О.Астанакулов инвестицияларни иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти борасида куйидаги фикрларни билдириб ўтган “иқтисодий тараққиётга эришишда энг аввало реал секторга инвестицион ресурсларни жалб этиш ҳамда улардан унумли фойдаланишни тақозо этади” [9]. Ҳозирги кунда тараққий этган давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, инвестициялар ва, шу жумладан, чет эл инвестициялари мамлакатларнинг юксак даражада тараққий этишига олиб келган. Инвестициялар ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётдаги локал тармоқларнинг жадал суръатларда тараққий этишига олиб келган.

#### Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси (Анализ и результаты. Analysis and results).

Иқтисодиёт ривожини қўллаб-қувватлашда хусусий инвестицияларнинг юқори суръатларда ўсиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2023 йилда иқтисодиётдаги барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2022 йилга нисбатан реал ҳисобда 22,1 фоизга ўсиб, 352,1 трлн сўмга етди. Бунда, марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2022 йилга нисбатан 26,2 фоизга ўсиб 307,3 трлн сўмни, марказлашган инвестициялар эса 0,7 фоизга қисқариб 44,8 трлн сўмни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши<sup>1</sup>, (млрд сўмда)

| №  | Молиялаштириш манбалари                           | 2021 й. | 2022 й.  | 2023 й.  | Ўзгариш, фоизда |
|----|---------------------------------------------------|---------|----------|----------|-----------------|
| 1. | Жами инвестициялар                                | 239553  | 269857,5 | 352064,1 | 22,1            |
| 2. | Марказлашган инвестициялар                        | 46100   | 41548,1  | 44806,8  | -0,7            |
|    | Бюджет маблағлари                                 | 22172   | 20910,1  | 20447,0  | -11,4           |
|    | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари       | 3006    | 2447,9   | 1554,2   | -42,0           |
|    | Ҳукумат қаролати остидаги хорижий кредитлар       | 18129   | 15256,5  | 21153,4  | 30,1            |
| 3. | Марказлашмаган инвестициялар                      | 193452  | 228423,6 | 307257,3 | 26,2            |
|    | Қорхоналарнинг маблағлари                         | 68360   | 84513,9  | 84936,4  | -2,7            |
|    | Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар    | 83243   | 97095,4  | 166731,4 | 56,2            |
|    | шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | 29911   | 37006,3  | 84311,6  | 96,4            |
|    | Аҳоли маблағлари                                  | 22705   | 25738,1  | 33321,7  | 8,9             |
|    | Тижорат банклари кредитлари                       | 19145   | 21076,2  | 22267,8  | 17,9            |

2023 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ҳажми 2022 йилга нисбатан 16 фоизга камайиб, қарийб 2,2 млрд долларни ташкил этиб, уларнинг капиталдаги соф ўсиши 870 млн доллар, бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 914 млн доллар ҳамда маҳсулот тақсимотида оид битимлар (МТБ) доирасидаги инвестицияларнинг соф камайиши 382 млн долларга тенг бўлди (1-расм). Шунингдек, хорижий инвесторлар томонидан даромадларнинг реинвестиция қилиниши 2022 йилга нисбатан 36 фоизга камайиб, 786 млн долларни ташкил этди.

2023 йилда портфель инвестициялар манфий сальдоси номолиявий ташкилотлар капиталига хорижий портфель инвестицияларнинг жалб қилиниши, шунингдек ҳукумат, тижорат банклари ва бошқа қорхоналар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар учун ҳисобланган фоизлар ва “яшил” евробондлар ҳисобига 995,4 млн доллар миқдорида шаклланди. Шу билан бирга, хорижидан жалб қилинган кредит ва қарзлар жорий операциялар ҳисоби таққилиғини молиялаштирган асосий манбалардан бўлиб,



1-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибининг ўзгариши²

мазкур операциялар ҳажми 2022 йилга нисбатан 57 фоизга кўпайиб, 7,1 млрд долларни ташкил қилди. 2023 йил якунига кўра соф халқаро инвестициявий мавқеи қисқаришига қарамадан, Ўзбекистоннинг “соф кредитор” мавқеи сақлаб қолинди. 2023 йилда жами чет эл активлари ҳажми 3 фоизга кўпайиб, 84,9 млрд долларни ташкил қилган бўлса, жами ташқи мажбуриятлари ҳажми 14 фоизга кўпайиб, 72,5 млрд долларга етди. Мамлакатимиз соф халқаро инвестициявий мавқеи 2024 йил 1 январь ҳолатига 12,4 млрд долларни ташкил қилди. Хорижий валютадаги активларнинг кўпайиши ва жаҳонда олтин нархининг ижобий тенденция кузатилишига қарамадан, соф халқаро инвестициявий мавқеининг пасайиши асосан давлат, банк ва бошқа хусусий сектор қорхоналари томонидан ташқи қарз ва хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ҳисобига юзага келди.

Ўзбекистонда портфель инвестицияларни бошқаришга доир масъул бўлган ташкилотлардан Марказий депозитарий томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра 625 акциядорлик жамиятининг 189 709,12 млрд.сўм умумий номинал қийматга эга 17 947,40 млрд.дона қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисоби юритилмоқда. 2023 йил давомида қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳажми 22 946,63 млрд. сўмга, акцияларнинг сони эса 1 501,39 млрд. донага кўпайди. Марказий депозитарийда шунингдек, 33 эмитент томонидан чиқарилган 1 063,4 млрд.сўм умумий миқдорга эга 897,2 минг дона корпоратив облигациялар ҳисоби юритилмоқда. Уларнинг 669,19 млрд.сўм умумий миқдорга эга 543,1 минг донаси 26 МЧЖ томонидан чиқарилган.

2024 йил январь ҳолатига кўра, 239 та акциядорлик жамиятидаги давлат улуши 158216,5 млрд.сўмни ташкил этди (шу жумладан, Марказий депозитарийда 219 акциядорлик жамиятининг 158 172,8 млрд.сўм миқдордаги акция қўринишида давлат улуши ҳисоби юритилмоқда). 2023 йил давомида устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари сони 16 тага, мавжуд давлат улуши ҳажми эса 23641,1 млрд.сўмга ортди. Хўжалик бошқаруви органларининг 135 АЖ устав фондидаги улушлари ҳажми 3 848,8 млрд.сўмни ташкил этди. 2023 йил давомида хўжалик бошқаруви органлари активларининг ҳажми 3762,0 млрд.сўмга, АЖлар сони эса 27 тага камайди.

Марказий депозитарий инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритиш бўйича мутлақ функцияларини бажарган ҳолда, 2 та ХИФ ва 7 та инвестиция фондларига хизмат кўрсатади. Ҳисобот санасига инвестиция фондлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми 2,32 млрд.сўмни, инвестиция фондлари томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳажми эса 8,47 млрд.сўмни ташкил этган. Инвестиция фондлари акциядорлари сони 50 439 тани, шу жумладан 50 402 та жисмоний ва 37 таси юридик шахсларни ташкил қилган. Марказий депозитарий, шунингдек 55 инвестиция воситачилари ва уларнинг миқдорларининг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади. 2024 йил январь ҳолатига кўра, инвестиция воситачиларининг депо ҳисобварақларини очган миқдорлари сони 704,88 мингга, шу жумладан 57,98 минг юридик ва 646,90 минг жисмоний шахсларни ташкил этган. Ўтган йилнинг айнаи шу даврга қиёслаганда, депо ҳисобварақлари сони 0,04 фоизга кўпайган. Инвестиция воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми номинал қиймати бўйича 17 308,39 млрд. сўм миқдордаги 7 179,12 млрд. дона қимматли қоғозни ташкил этди. Ўтган йилнинг айнаи шу даврга нисбатан инвестиция

воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қозғозлар ҳажми 38,46 фоизга ортган.

Марказий депозитарий томонидан ҳисобот даврида 38 693,6 млрд.сўм миқдордаги 3 821,57 млрд. дона қимматли қозғозлар бўйича 184 та биржадан ташқари битимлар рўйхатга олинган бўлиб, рўйхатга олинган биржадан ташқари битимлар бўйича депо ҳисобварақларига 212 та ўтказмалар амалга оширилган. Таъкидлаш лозимки, портфел инвестициялар жалб қилишда капитал бозорини ривожланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Капитал бозорининг ривожланиши кўплаб омилларга, жумладан, макроиктисодий барқарорлик, сиёсий барқарорлик, тартибга солиш ва назорат қилиш даражаси, инфратузилма ва технологик инновацияларнинг мавжудлиги, маълумотларнинг мавжудлиги, инвесторларнинг маълумоти ва тизимга бўлган ишончга боғлиқ. Бу омиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, биргаликда капитал бозорининг ривожланиш даражасини ва барқарорлигини белгилайди.

#### Хулоса (Заключение. Conclusion).

Портфел инвестициялар инвесторга зарур бўлган рентабеллик ва капитални ҳимоя қилиш даражасини мустақил равишда белгилашга имкон беради. Замонавий портфел назариясига мувофиқ портфел рискин камайтиришда молиявий инструментларнинг диверсификация жараёнига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бир турдаги активлар даромадлигини камайиб бориши портфел таркибдаги бошқа турдаги активларнинг умумий даромадлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ўз навбатида компания инвестицион портфел имкониятларини пасайишига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, инвестицион рискларни баҳолаш методологияси кенг илмий йўналишлардан бири бўлиб, инвестицион рисклар нафақат битта компания ёки муайян соҳанинг ўзида юзага келадиган ички омиллар билан, балки мамлакат ёки жаҳон

иктисодиётидаги ўзгаришлар натижасида юзага келадиган ташқи рисклар билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун, инвестицион ресурсларни маълум бир лойиҳага сарфлашдан аввал, жорий даврдаги бозордаги ҳолатни таҳлил қилиш ва яқин келажакда қандай иктисодий вазият кутилаётганлигини ҳамда инвестор танлаган компаниянинг фаолият соҳасига доир қонунларни ҳам чуқур таҳлил қилиш керак. Халқаро молиявий экспертларнинг фикрига кўра, одатда ҳар бир молиявий риск тури учун алоҳида бошқариш усули ва услубияти мавжуд. Инвестиция лойиҳанинг риск даражасини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг ўзига хос усуллари танлаш қўйидаги омилларга боғлиқ: лойиҳанинг камрови, маълумот базасининг тўлиқлиги, таҳлил ва лойиҳанинг ишончлилиги даражаси талаблари ва бошқалар. Инвестицион фаолият риск билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, рискларни камайтириш ёки олдини олиш имкониятига эга бўлиш жуда муҳимдир.

Инвестицион портфел самарадорлигини оширишдаги муҳим жиҳатлардан бири портфел мониторингини ҳисобланади. Портфел мониторинги портфелга киритилган инвестиция лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини мунтазам мониторинг қилишнинг ишлаб чиқилган механизми ҳисобланади. Мониторинг тизимининг асосий мақсади портфелга киритилган алоҳида лойиҳаларнинг тасдиқланган жадвали ва белгиланган муддатларда лойиҳа бўйича “оғиш” ларни аниқлашдан бошлаб, ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этишгача бўлган вазифаларни ўз ичига олади. Мониторинг нотўғри ҳисоб-китоблар ва муаммоларни олдиндан аниқлашни таъминлаши керак. Мониторинг тизимини яратиш инвестицион лойиҳаларнинг индивидуал кўрсаткичларини танлаш ва баҳолашдан иборат.

#### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
  2. Maela Giofré, Foreign portfolio investments and voting bias in the Eurovision Song Contest, *Economics Letters*, Volume 243, 2024, 111903, ISSN 0165-1765, <https://doi.org/10.1016/j.econlet.2024.111903>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0165176524003872>)
  3. Jui-Sheng Chou, Ke-En Chen, Optimizing investment portfolios with a sequential ensemble of decision tree-based models and the FBI algorithm for efficient financial analysis, *Applied Soft Computing*, Volume 158, 2024, 111550, ISSN 1568-4946, <https://doi.org/10.1016/j.asoc.2024.111550>.
  4. Maela Giofré (2021) COVID-19 stringency measures and foreign investment: An early assessment//*North American Journal of Economics and Finance* 2021, 58, 101536J
  5. Panagiotis P. The impact of FDI on economic growth in Eurozone countries. *The journal of Economic Asymmetries*, 2015, №17, pp. 7–8
  6. Печенова Е.А. Оценка эффективности управления инвестиционным портфелем // *Московский экономический журнал*. – 2019. – №6.
  7. Хайдаров Н.Х. (2011) Тўғридан-тўғри инвестициялар имкониятлари// “Иктисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь.
  8. Мустафакулов Ш.И. “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибдорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент 2017 йил.
  9. Khamdamov O. N. IMPROVING THE PRACTICE OF USING MULTIPLIER COEFFICIENTS IN FORMING FINANCIAL STRATEGIES // *International Journal of Advance Scientific Research*. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.
  10. Элмуродов Ш. ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВОЙ БАЗЫ ФИНАНСОВЫХ МЕХАНИЗМОВ СОКРАЩЕНИЯ СКРЫТОЙ ЭКОНОМИКИ // *ББК 1 Р76*. – 2023. – С. 302.
- [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти.  
[www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайти.  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг расмий веб-сайти..